



Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Танлов хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

Бухоро -2022

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Самарканд вилояти Пастдарғом туманидан Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳрида жойлашган асфальтобетон заводига битум ташувчи махсус автомашиналарда битум ташиб бериш хизматларини кўрсатиш

1.2. Танлов охириги қиймати – **520 000 000** (беш юз йигирма миллион)сум. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Бажариладиган иш турлари техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб йил давомида.

1.5 Ишларни бошлаш муддати– аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Ромитан ЙМФУК (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлав ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили:, Бухоро вилояти Бухоро шаҳри Низомий кўчаси 20А-уй

Эл.адрес: buxoro-yqtuk@mail.ru

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов Ромитан ЙМФУК “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2.Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:

танлов предмети қийматининг камида 15 фоизи миқдоридagi айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиши) тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок,

холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини коғоз кўринишда конвертда муҳр имзо куйилган ҳолда Бухоро шаҳар Низомий кўчаси 20А уй манзилига танлов комиссиясига топшириши зарур.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варағини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.4. Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

- Танлов шакллари Фирменний бланкада имзоланган, номерланган ва муҳрланган ҳолда;
- Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома, Низом, Раҳбар паспорти ва ҚҚС гувоҳнома нусхалари.

- Транспорт воситасининг тех паспорти, бирлик нархи тўғрисида экспертиза хулосаси, ЁММ сарфи бўйича норма расход.

- Солиқ қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисида солиштирма далолатнома

4.5. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5- календар кунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.



6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилиги жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади

ИШТИРОКЧИНИНГ РАСМИЙ БЛАНКАСИДА

Сана: _____ Хат рақами: _____

Ромитан ЙМФУК

иш ва хизматлар давлат харидларини
ўтказишда танлов комиссияси раисига

АРИЗА

Ромитан йўллардан мунтазам фойдаланиш УК томонидан _____
_____ (танлов номи)
ташкilotни танлаш бўйича эълон қилинган давлат харидлари тўғрисидаги барча
танлов ҳужжатларини батафсил ўрганган ҳолда мазкур танловда иштирок
этишимиз тўғрисида маълум қиламан.

Мазкур танловда иштирок этиш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг
2017 йил 3 январдаги ЎРҚ-419-сонли “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”
ги қонунига амал қилган ҳолда коррупция кўринишларига йўл қўймасликни
кафолатлайман

Шу сабабли қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилмоқдаман:

1. Малакавий ҳужжатлар _____ варақда.
2. Танлов таклифининг техник қисми
3. Танлов таклифининг нарх қисми
4. Бошқа ҳужжатлар (мавжуд бўлса).

Изох (Барча ҳужжатлар конвертга солиниб, елимланган ва муҳрланган
ҳолда тақдим қилинади);

Танлов ҳужжатларини тайёрлаган масъул шахснинг Ф.И.Ш.

Телефон рақами: _____

Электрон почта манзили: _____

Ташкilot (корхона) раҳбари ёки ваколатли шахс:

имзо

Ф.И.Ш.

Муҳр ўрни

ИШТИРОКЧИНИНГ РАСМИЙ БЛАНКАСИДА

Сана: _____ Хат рақами: _____

Ромитан ЙМФУК

иш ва хизматлар давлат харидларини
ўтказишда танлов комиссияси раисига

КАФОЛАТ ХАТИ

Мазкур хат билан корхонамиз

- корхонамиз қайта ташкил этилиш, тугатилиш ёки банкротлик ҳолатида эмаслигини;
- илгари тузилган шартномалар бўйича шартнома мажбуриятларининг бажарилмасдан қолиши ҳолати кузатилмаганлигини тасдиқлаймиз.

Имзолар:

Раҳбар: _____ Ф.И.Ш.

Бош бухгалтер: _____ Ф.И.Ш.

Юрист _____ Ф.И.Ш.

Мухр ўрни

Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумот

| | | |
|----|--|--|
| 1 | Юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган тўлиқ номи | |
| 2 | Рўйхатга олинганлиги ҳақидаги маълумот(рўйхатга олинган сана, рўйхат рақами, рўйхатга олувчи орган номи) | |
| 3 | Юридик манзил | |
| 4 | Ҳақиқатда жойлашган жойи (манзил) | |
| 5 | Боғланиш учун телефон, факс, e-mail | |
| 6 | СТИР ва ОКПО | |
| 7 | Тўлиқ банк реквизитлари | |
| 8 | Иштирокчининг таъсис ҳужжатларида кўрсатилган устав капиталининг миқдори | |
| 9 | Асосий фаолият йўналишлари | |
| 10 | Танлов таклифи учун масъул ходим ва контактлари | |
| 11 | Раҳбарнинг ФИШ | |
| 12 | Раҳбарнинг СТИР | |
| 13 | Таъсисчилар тўғрисида маълумот – УК улуши | |
| 14 | Таъсисчининг ФИШ | |
| 15 | Бенефициарнинг ФИШ | |
| 16 | Таъсисчининг СТИР | |
| 17 | Бенефициарнинг СТИР | |

Ишларни бажариш (ишлаб чиқариш, хизматларни кўрсатиш) тажрибаси тўғрисида маълумот

| № | Номи | Буюртмачининг номи, унинг манзили ва контакт маълумоти | Амалга ошириш санаси | Изоҳ |
|---|------|--|----------------------|------|
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |

(ваколатли шахс имзоси)

(ваколатли шахс Ф.И.Ш. ва лавозими)

М.Ў.

Сана: «__» _____ 2021 й.

ИШТИРОКЧИНИНГ РАСМИЙ БЛАНКАСИДА

Сана: _____ Хат рақами: _____

Ромитан ЙМФУК

иш ва хизматлар давлат
харидларини ўтказишда танлов
комиссияси раисига

_____ (танлов лоти рақами ва предмети кўрсатилсин) танловига техник таклиф

_____ бўйича танлов ҳужжатлари ва № (ёзма мурожаатлар ва уларга жавоблар мавжуд бўлган тақдирда сўровномалар рақамлари) сўровномаларга ёзма жавобларни ўрганиб чиқиб, ушбу билан уларнинг қабул қилинганлигини тасдиқлаб, биз, қуйида имзо чекувчилар (танлов Иштирокчисининг тўлиқ номи), _____ да ишлаб чиқарилган (ишлаб чиқарувчини кўрсатинг) _____ миқдордаги _____ (таклиф қилинаётган маҳсулотнинг номи, маркаси ёки моделини кўрсатинг) ни етказиб беришни таклиф қиламиз.

Биз, танлов ғолиби билан тузилган шартнома бўйича, ушбу техник таклифга тўлиқ мувофиқ ҳолда маҳсулотни етказиб бериш мажбуриятини қабул қиламиз.

Биз, Конкурс таклифларини қабул қилиш тугаган сана деб белгиланган кундан бошлаб, 60 кун давомида ушбу таклиф қоидаларига риоя этилишига келишдик. Ушбу Конкурс таклифи биз учун мажбурий бўлиб қолади ва белгиланган муддат тугагунга қадар исталган вақтда биз томонимиздан қабул қилиниши мумкин.

Илова:

- таклиф этилаётган маҳсулот техник тавсифининг қиёсий жадвали _____ варақда;
- техник ҳужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар, эксплуатация бўйича йўриқнома ва ҳоказо ёки таклиф этилаётган маҳсулотнинг батафсил ва тўлиқ тавсифини ўзида акс эттирувчи бошқа ҳужжатлар).

Тақдим этилаётган ҳужжатлар рақамланган, ваколатли шахс имзоси қўйилган ва танлов иштирокчиси муҳри билан тасдиқланган бўлиши, ҳужжатлар ўзбек (ёки рус) тилида тақдим этилиши шарт.

_____ (ваколатли шахс имзоси)

_____ (ваколатли шахс лавозими ва Ф.И.Ш.)

М.Ў.

Сана: 20__ й., «__» _____

ИШТИРОКЧИНИНГ РАСМИЙ БЛАНКАСИДА

Сана: _____ Хат рақами: _____

Ромитан ЙМФУКда 2021 йил йўл қурилиш объектларида транспорт ва техника
хизматлари кўрсатувчи ташкилотни танлаш бўйича
ТИЖОРАТ ТАКЛИФИ

Биз, қуйида имзо чекувчилар, шуни маълум қиламизки, танлов ҳужжатларини тўлиқ ўрганиб чиқдик ва хизматларни кўрсатиш (ишларни бажариш) жараёнида ҳал этилиши керак бўлган муаммолар билан танишиб чиқдик.

Барча талабларни таҳлил қилиб, танлов савдолари шартларига мувофиқ, автотранспортда юк ташиш хизматларини кўрсатишни (ишларини бажаришни) таклиф қиламиз:

- тўлов шартлари - _____;
- хизмат кўрсатиш шартлари - _____;
- хизмат кўрсатиш муддатлари - _____;

Таклиф этилаётган хизматлар 1 мото-час (тн/км) транспорт ва техника ташиш) хизмати учун _____ сўмни ва шартноманинг умумий қиймати _____ (конкурс таклифи умумий қийматини рақамлар ва ёзув билан, шунингдек тўлов валютасида кўрсатинг) ни ташкил этади ва бу мазкур танлов таклифининг бир қисми ҳисобланган иловадаги нархлар жадвалида келтирилган.

Биз, Танлов таклифларини қабул қилиш тугаган сана деб белгиланган кундан бошлаб, _____ кун давомида ушбу таклиф қоидаларига риоя этилишига келишдик. Ушбу танлов таклифи биз учун мажбурий бўлиб қолади ва белгиланган муддат тугагунга қадар исталган вақтда биз томонимиздан қабул қилиниши мумкин.

Танлов комиссияси энг паст нарх таклифини қабул қилишга мажбур эмаслигини, барча мезон ва кўрсаткичлар бўйича энг яхши таклифни қабул қилишини тушунамиз.

_____ (ваколатли шахс имзоси)

_____ (ваколатли шахс лавозими ва Ф.И.Ш.)

М.Ў.

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ МОЛИЯВИЙ АҲВОЛИ

(Танлов иштирокчисининг номи)

Ўзб.сўм/АҚШ долл./Евро, рубл

| Моддалар номи | Охириги ҳисобот даврлари учун маълумотлар (ҳисобот даврининг охирига) | | |
|--|--|----------|----------|
| | 2019 йил | 2020 йил | 2021 йил |
| <i>Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан тушум</i> | | | |
| <i>Кредиторлик қарздорлик</i> | | | |
| <i>Дебитор қарздорлик</i> | | | |
| <i>Ҳисобот даврининг охирига пул маблаглари</i> | | | |
| Соф фойда | | | |

Танлов иштирокчиси раҳбарининг имзоси: _____ М.Ў.

Тузилган сана: « ____ » _____ 2022 й.